



## Президентликка номзод Хотамжон Кетмонов сурхондарёлик сайловчилар билан учрашди

Сурхондарё вилоят кенгазининг мажлислар залида ўтказилган учрашувда вилоят фаоллари, партия аъзолари, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9-Сурхондарё округ сайлов комиссияси раиси Абдукарим Аҳмедов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши депутати Чори Жумакулов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.



Тадбирда Президентликка номзод Хотамжон Кетмонов ўз дастури юзасидан нутқ сўзлади.

— Дастурда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига кенг

қулайликлар яратиш устувор вазифа этиб белгиланган, — деди Президентликка номзод. — Шу билан бирга кам таъминланган оилаларнинг манзилли ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, юқори сифатли ва мақбул тиббий ёрдамдан кенг фойдаланиш имкония-



тини таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Улар аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, мамлакатимиз тараққиётини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

➤ Давоми 2-бетда.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти САЙЛОВИ — 2015



29 МАРТ

8

КУН ҚОЛДИ

## Марказий сайлов комиссиясида учрашув

■ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиш мақсадида мамлакатимизга келган халқаро кузатувчилар билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов Латвия Марказий сайлов комиссияси раиси Арнис Цимдарс билан учрашувда мамлакатимизда сайловларни очик-ошкора, эркин ва адолатли ўтказиш, фуқароларнинг сайлов жараёнларида фаол иштирок этиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилганини таъкидлади. Бу фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари тўлиқ амалга оширилишига, Ўзбекистоннинг демократия йўлидан изчил бориб, юксак марраларни эгаллашига замин яратмоқда.

2014 йил 16 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларини ўзгартиш ва қўшимчалар қилиш тўғрисида» (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)ги қонун сайловларни демократик, очик-ошкора ўтказиш, унда қонунийликни ҳар томонлама таъминлашнинг муҳим қафолати бўлди. Қонунда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини шакллантиришнинг демократик тизими, унинг фаолиятига доир асосий принциплар конституциявий норма тарзида мустаҳкамлаб қўйилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сайлов кампанияси жараёнида Президентликка номзодларга тенг шaroит ва имкониятлар таъминланмоқда. Сайлов участкаларида сайловчиларнинг сайлов билан боғлиқ маълумотлар билан танишиши учун барча имконият яратилган.

— Ўзбекистон сайлов тизими, сайлов қонунчилиги ҳақида қўллаб-маълумотларга эга бўлдим, — дейди Арнис Цимдарс. — Сайлов-

ни юқори савияда ўтказиш учун барча тайёргарлик ишлари кўрилган. \*\*\*

Шу куни Марказий сайлов комиссиясида Ҳиндистондаги «Бхаратия Жаната» партияси мувофиқлаштирувчиси Вижай Жолли билан ҳам учрашув бўлиб ўтди. Унда Марказий сайлов комиссиясининг олиб бораётган ишлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил тарзда олиб бориши, унинг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши сайловларни демократик тарзда ўтказишга йўл очмоқда.

— Ўзбекистонда сайловларни халқаро демократик талаблар асосида ўтказиш учун барча ҳуқуқий, ташкилий шарт-шaroитлар яратилган, — дейди Вижай Жолли. — Бунга ўтган йили декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўлиб ўтган сайлов жараёнини кузатиб амин бўлганман. Бу ҳақидаги ўз ҳулосаларини «Ўзбекистон-Ҳиндистон: дўстлик, ривожланиш, юксалиш йўлида» рисоласида баён этдим. Президент сайлови ҳам юқори савияда ўтишига ишонамиз. Сайловга тайёргарлик жараёни ҳамда халқингизнинг фаоллиги шундан далолат бериб турибди.

Учрашувлар якунида меҳмонларга халқаро кузатувчи макомини берувчи мандатлар топширилди.

Н.АБДУРАИМОВА,  
ЎЗА мухбири.

## «Биз Президентликка ЎзХДПдан кўрсатилган номзоднинг дастурини қўллаб-қувватлаймиз»

Жамила ДАВЛАТОВА,  
Тошкент шаҳри Миробод туманидан,  
меҳнат фахрийси:

— Бу йил 69 ёшга тўлдим. ДОИМИЙ РАВИШДА СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАМАН. МАШҒУЛОТЛАР ЖАРАЁНИДА ҚИЗГИН СУҲБАТЛАР ҲАМ БЎЛАДИ, АЛБАТТА. АЙНИҚСА, БУГУННИНГ ЭНГ ДОЛЗАРБ МАВЗУСИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ҲАҚИДАГИ СУҲБАТЛАР БАҲС-МУНОЗАРАГА АЙЛАНИБ КЕТАДИ.

Эртанги кунимиз ҳамда фаровон ҳаётимизни бево-сита белгиловчи давлат раҳбарини сайлашда пухта ва чуқур ўйланган қарор муҳим саналади. Партиялардан кўрсатилган номзодларнинг дастурлари билан танишар эканман, ҳар бирида Ватан тақдири, халқ манфаати билан боғлиқ гоёлар устувор масала сифатида илгари сурилганига гувоҳ бўлдим. ЎзХДПдан кўрсатилган номзоднинг ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи, биз каби ёши улуг инсонларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш каби

гоёлари долзарблиги билан аҳамиятли. Айтишса, дастурда белгиланган яна бир жиҳат кўпроқ эътиборимни тортди. Халқимизда азалдан «қўшнинг тинч, сен тинч», деган ибратли нақл бор. Дастурда яқин қўшниларга нисбатан очик ва прогматик сиёсат юритиш, ўзаро савдо иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда манфаатли ва фойдали ҳамкорликни ривожлантириш ҳақидаги масалалар кўзда тутилган. Улар Ватанимиз тинчлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ўйлайман.

2



## Халқимиз ўртасидаги бирдамлик, ўзаро меҳр-оқибат

Наврўз айёми тантаналарида яққол намоён бўлмоқда

■ Шу кунларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республика, Тошкент шаҳар, вилоятлар, барча туман ва шаҳар партия ташкилотлари Наврўз байрамига бағишлаб жойларда тадбирлар ўтказмоқда.

Мазкур тадбирларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳлари аъзолари, партия етакчилари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, қўллаб-қувватловчи кишилар фаол иштирок этмоқда. Байрам тантаналари халқимизнинг қайфиятини кўтармоқда, ҳар биримизни эзгу ишларга илҳомлантирмоқда. Одамлар қалбида меҳр-оқибат, яхшилик, эзгу орзу-ниятлар жўш урмоқда. Байрам кунлари эътибор ва қўмакка муҳтож кишилар ҳолидан хабар олинганга, улардан кўнгли сўралиб, ёрдам кўрсатилганга.

2

## Энг яхши қўшиқ Ватан ҳақида

■ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнини кузатиш мақсадида мамлакатимизга келган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг узоқ муддатли кузатувчилари Самарқанд шаҳрида ўтказилган Наврўз байрами тантаналарида иштирок этди.

Миссиянинг узоқ муддатли кузатувчиси Ева Каролина Сухонен хоним байрам сайилларидан олган таассуротлари ҳақида қўйидагиларни гапирди:


— Аввало, мени байрам тадбирига таклиф этилгани учун миннатдорлик билдирмоқчиман, — дейди Ева Каролина Сухонен. — Ўзбекистон ҳавоси, одамларнинг очик чеҳраси ва самимийлиги жуда катта

ларини ҳайрат билан томоша қилдик. Наврўзнинг асосий таъми су-малакнинг тайёрланиш усули, унинг шифобахш хусусиятлари ҳақида гапириб беришганда, ҳайратим янада ортди ва уни татиб кўриб, таърифу тавсифлар бежиз эмаслигига амин бўлдим.

Байрам сайиллари давомида халқингизнинг санъатсевар ва юксак маданиятига ҳам гувоҳ бўлдик. Санъаткорнинг овози ҳам, қўшиқ мазмунини ҳам юрагимдан чуқур жой олди. Аслида Ватан ҳақидаги қўшиқлар ана шундай бўлади, тил ҳам, миллат ҳам танламай қалбларга кириб бораверади. Зеро, энг яхши қўшиқ Ватан ҳақидаги қўшиқдир.

ЎЗА

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:



Сиз Президентликка номзодимиз дастури ҳақида қандай фикрдасиз?



■ Президент сайлови ҳақида саволим бор...



Агар Чироқчи руҳини ҳис қилмоқчи бўлсангиз, халқ қўшиқларини тингланг, полвони, чавондозига ёндошинг, хунарманд-чеварлари ишини кўринг.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

2015-йил 21-март, Шанба  
33 (31.936)-сон  
www.uzbekistonovozi.uz

3

КАДРИЯТ — ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

# Чироқчида наврўз шодиёналари



■ Туя ўркачидек қир-адирлар... Кўм-кўк майсаларга бурканган. Ҳов, узокда сурув-сурув кўй-кўзилар ўтлаб юрибди. Катта давра. Халқ қўшигининг тенгсиз оҳанги кўкка ўрлайди:

**Чироқчининг кўргони, Миндим саман йўргони, «Жўра, сизга йўл бўлсин» «Кетдим ёрни кўргони»...**  
Бу қўшиқни «Чироқчи чироқлари» фольклор-этнографик халқ ансамбли куйлаётган экан. Сайлга чиққан

ёш-яланг жўр овоз. Ҳаваскорлик дастаси иштирокчиси Ҳосият момо Номозова, Ҳамро момо Муродова ва бошқалар ўнлаб кишлоқларда Наврўз сайлини ўтказишибди. Уларнинг сафида Ўзбекистон халқ бахшиси

Шомурод бобо Махманов ҳам бор. У дўмбира чертиб, эл ботирлари ҳақида дoston, қўшиқ куйлаганда, ҳайратга тушасиз.

Эсимда, бундан уч кун бурун Чироқчи шаҳридаги ўйингоҳда ўтган катта сайлда Зулфия номидagi Давлат мукофоти соҳиби Зарнигор Ахмедова: «Агар Чироқчи руҳини ҳис қилмоқчи бўлсангиз, халқ қўшиқларини тингланг, полвони, чавондозига ёндошинг, хунарманд-чеварлари

ишини кўринг», — деган эди фахрлиниб. Сўнг даврада соҳир қўшигини куйлаганди:

**Наврўзга ўхшайди ўзбек деҳқони, Қалби кўёш, меҳри дарёга ўхшар. Чаманларга буркар чўлу саҳрони, Ёйдек далаларга гул гилам тўшар...**

— Мен бахтлиман, — деганди яна бир суҳбатдошим — спорт-педагогика коллежи ўқувчиси, кўп қарра Ўзбекистон, Осиё чемпиони, миллий кураш бўйича жаҳон биринчилиги иштирокчиси, Наврўз байрами арафасида Зулфия номидagi Давлат мукофоти билан тақдирланган Гўзал Рахмонова. — Биласизми, 2012 йилнинг декабрида Ҳиндистонда кураш бўйича ўтган 8-Осиё чемпионатида бирмунча толиқиб қолдим. Шунда бу юртда улуг ишлар қилган Бобур ҳақида ўқиганларим ёдимга тушди. Бирдан руҳим кўтарилди, танамга куч энди, сўнг голиб бўлдим...

Ҳозир Чиял кишлоғидаги адирдаман. Билсам, ҳар кишлоқда ўзгача сайл экан. Шу кун Чиял кишлоғи қирларида майсалар узра тўшалган нафис гиламларни, хув, чавандоз ўйнатиб кетатган тулпор отнинг гулдор ёпқичини томоша қилиб завқланаман. Чиял — гилам, эгар, камчи, турфа сўзаналар, кашталар яратаётган хунармандлар макони. Уларни

савдога олиб чиқаётган қадимий Чиялбозор — кенг даладаги халқ музейи. Айтишларича, Араббанди кишлоғида япониялик тадқиқотчи аёл бир йил яшаб, гилам тўқувчи чеварлар хунарини ўрганиб, юртида алоҳида китоб чоп эттирибди. Шу топда мен ҳам халқ полвонлари ҳақида асар битган чироқчилик адиб Ҳосият Рахмоннинг фахрини туйдим.

Ҳамроҳим — Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси, туман ҳокимлиги бўлим мудири Шоназар Жовлиев мени 30-40 километр узокдаги, қир-адирлар бағрида макон топган қадимий Уйшун кишлоғига бошладим. Тумонат одам. Ниҳоятда катта давра. Эрталаб ош тортилган экан. Энди эса — кураш. Даврага разм соламан. Катта-кичик полвонлар бел ушлашган. Баковул зот-совринни айтиб турибди. Ёнбошимдаги барваста киши, етмиш беш ёшли Жуманиёз Пардаев завқланиб: «Ҳай, бўйингдан, ўйнаб-ўйнаб олиш!», деб кўяди. Ўрта ёш, қайир ҳосилот Турсунмурод Абдумуродов шу кишлоқ атрофидаги 3 минг гектар ерга галла экилгани, шу йил февраль ойида қирларга салкам бир метр қалинликда қор тушгани, дон мўл бўлиши ҳақида гурурланиб сўзлайди. Ўтган йили сув етишмасида, туман режадагидан 7 минг тонна зиёд дон топширди. Бу

йил чироқчиликлар салкам 9 минг гектар суви ва 33 минг гектар лалми ердан мўл ҳосил кутаяпти...

«Халол!» деган хайкирик янгради. Қарайман, бўйдор полвон рақибини маҳорат билан йиқитиб, аталган зотни олиш учун қайвони қаршида чўккалайди. Полвон боболар уни алқайди. Зўр кураш бўлди-ей. Ёнимда турган Шоназар Жовлиевнинг ҳикоя қилишича: «Жар кишлоғида 16 ёшли Жайхун Назаров Францияда дзюдо бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида 48 килограмм вазн тоифасида шохсупага кўтарилибди».



Кишлоқларни кезиб, беҳад таассурот оғушидаман. Ўғил-сой кишлоғидан 100 ёшли Ават момо Бобоёрова дуога кўл оцади:

— Элимиздан тинчлик-товуллик аримасин. Ўлбошилар омон бўлсин. Кўт-барака кўтарилмасин...

**Юнус УЗОҚОВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

## Сумалак пишираётган малаклар

■ Ҳар гал Наврўз байрами арафасида болалик хотиралари ёдимга тушади. Кишлоғимиздаги Сайлгоҳ деб аталадиган катта адир одамлар билан гавжум бўларди. Бу ерда миллий халқ ўйинлари — кураш, кулоқ чўзма, арқон тортиш каби мусобақалар бўлиб ўтарди. Толхивичдан от ясаб олган болалар улоқ-кўнкари ўйнашарди. Биз қизалоқлар ҳам сумалакка, ҳам ҳаппак — бештош ўйинига саралаб тошчалар терардик. Ҳаппак ўйинида кўп омад олиб келадиган тошни «омад тоши» деб атардик. Омад тошини баъзида бир этак ёнгоққа ҳам алишгим келмасди.

Онам йилбошига атаб йил оши — таом тайёрларди. Кейинчалик билсам, дастурхон бўйлаб айланадиган бу таом элни жам қилиш билан бирга ўша оиланинг моддий аҳволи ва уй бекасининг кўли ширинлиги, уйдабуронлиги белгиси ҳам экан.

— Бугун чўпон сайланади! — дерди отам ҳаммани даврага чорлаб. Кейин йилбошида жам бўлган ҳамқишлоқлар кексаларнинг маслаҳати ва фотиҳаси билан чўпон сайлашарди. Унга чўтал — яъни, чўпон ҳақи бериб бориларди.

— Чўпонга аслида ошхалол беришган, ҳозир Худога шукур тўкинчилик, бунақа удумлар қолиб кетган, — дерди отам.

Аёллар давраси алоҳида бўларди. Улар бир-бирларининг таомини мактаб, «айланма товок» қилишарди. Янги келинлар қайнона имоси билан буғдой майсани ёғоч келида туйиб, шира сувини сиқиб ола бошлаганида сумалак қозоннинг атрофига гилам кашталар тўтилиб, жой ҳозирланарди.

— Келақол, буғдой майсани ният қилиб қулоғингга тақ, зора Худо сенга ҳам бу йил тирноқ берса, — дерди кекса бувим бир чеккада турган янгамни чақириб. Ушанда қулоғига буғдой майсани таққан Шаҳрибону янгам Оллоҳнинг марҳамати, сумалак ўчоқнинг ҳосияти билан бир кун келиб, Худойбердижонни дунёга келтирганди.

Сумалак ўчоққа тут кундани ўтин қилиб тайёрлаётган амакимга:



— Амаки, менга ҳам сумалак қошиқ ясаб беринг, — дер эдим. Бундай ёғоч қошиқчалар ҳаммамизнинг қўлимизда бўларди. Уша кун ёғоч қошиқчаларни маҳкам тутганча ухлаб қолардик, тушимизга сумалак пишираётган малаклар кирарди.

Тонгда сумалак қозон юзи очилганида, сумалак юзидаги нақшин чизгиларга қараб ҳамма ўзича нималарнидир тасвирларди:

— Товусми?  
— Йў-э, Ҳумо қушига ўхшайди...  
— Сумалакка малаклар сурат чизиб кетармиш, — дерди яна кимдир.

Нима бўлганда ҳам сумалак тотли, мазали бўларди.

— Эл билан элиқиб қилинган сумалак тотли бўлади, кўпнинг оши-да, ният қилиб, яла, — дерди онам.

Бугун Наврўз! Турналар элга омонлик тилаб, пастлаб учмоқда. Болакайларнинг осмонга учирган варраклари баландламोқда...

Дилором ТИРКАШЕВА

### РЕКЛАМА

**«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ**

*жамоаси юртдошларимизни қадимий ва ҳамиша навқирон Наврўз байрами билан тубдоракбод этади!*

*Баҳор нафаси хонадонимизга фрайз-барака, халқимизга фаровонлик олиб келсин!*

## ТАБРИКЛАР

**МАҲМУД ТОИР,**  
Ўзбекистон халқ шоири:

— Бу дунёда уйғонувчи, уйғотувчи фаслни ёқтирмаган инсон йўқ. Наврўз гўзаллигини кўриб дилинг яйрайди.

Унаётган ҳар бир майса, лаб очган қуртак, дарахтларда маржондек тизилиб турган ўрик, шафтоли гуллари табиатнинг тириклик ҳақидаги ҳаёт қўшиғидир. Садола-ринг асрлар оша келаятган бу қўшиқнинг қадри мен учун осмон қадар баланд.

Бу кун сабабидан, ота-боболаримизнинг донишманд ўтганлиги ёдимизга келади. Ободлик, бунёдкорликка бонг чалинади бу кунда. Табиатнинг шифобахш неъматлари ҳузур бахш этади, кўзимиз, қалбимиз қувнайди, дилларимиз яйрайди. Истиқлол туфайли чинакамига бўй кўрсатган бу азалий қадрият шу юртда яшаётган 130 дан ортиқ миллат вакилларининг ҳам байрамидир. Бу кунда дунёнинг юзлаб мамлакатлари нигоҳи бизда бўлади. Ўзлгимизни, асрий қадриятларимизни, қалбимиз ва юзимизни кўз-кўз қилиши билан барчамизга қадрлидир Наврўз.

**ОЛИМЖОН ОХУНЖОНОВ,**  
Риштон туманидан, меҳнат фахрийси:

— Ёшим икки кам саксонда. Наврўз мен учун қўшалоқ байрам. 20 мартда туғилганман, уйимиз не-вар-эвараларга тўлиб кетади. Шу кунни сумалак қилишдади, қўни-қўшиларга тарқатишдади.

Мустақиллик халқимиз учун, фарзандларимиз, невар-эвараларимиз учун қанчалик қадри, қанчалик бебаҳо эканлигини сўз билан ифодалаш қийин. 1994 йилда ҳаж сафарига бориб келдим. Богдорчиликка ишқибозман, ҳовлимизда ўз қўлим билан пайванд қилган сархил тоқзор ва мевали дарахтлар бор. Бу йил пайванд қилган ток на-вини «Наврўз» деб атадим.

**ГАВҲАР ТҲУТАЕВА,**

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, «Шарқ гули» маҳалласидан, фаррош:

— Маҳалламиз ўз номи билан Наврўзга, баҳорга ҳамоҳанг. Маҳалла аҳли учун ҳашар бир ёки икки кунлик иш эмас, балки Наврўзгача бўлган охириги хафтада ҳар кун ҳашар қилинади. Хонадон соҳиблари кўча-кўй, ўз уйларини, кексайиб қолган, қаровчиси йўқ қўни-қўшиларнинг уйларини ҳам супуриб-сидириб, атрофини обод-донлаштиришда, маҳаллада тайёрланган ҳалим, сумалаклардан олиб келиб беришади.

Касбим тозалик-озодалик билан боғлиқлиги туфайли ҳар бир ишда тозалик бўлсин, дейман. Наврўз ободлик, ободончилик, кўкаламзорлаштириш, яшариш — бир сўз билан айтганда, кўнгил ободлиги байрамидир. Чунки ҳамма жой ораста, чиройли гуллар экилган бўлса, одамнинг кайфияти кўтарилади. Уша жойда файз, барака бўлади.

**АСКАРАЛИ ИБОВ,**

Ўзбекистон Республикаси СУМО спорт клуби раиси, Кикбоксинг бўйича жаҳон чемпионати бронза медали совриндори:

— Байрамлар ичида Наврўзи оламни яхши кўраман. Болалигимни эслатади. Баҳорнинг илк элчиси — бойчечак кўтариб, эшикма-эшик юриб, тенгдошларим билан «Бойчечаким бойланди»ни айтганларимни кўз олдимга келтирсам, юрагим орзиқиб кетади. Бу севинчларимиз момоларимизнинг сумалак, кўк сомса, юпқалар пиширишлари, аргимчоқлар солиб, ҳар хил ўйинлар ўйнашларимиз каби шодликларга уланиб кетарди. Катта бўлганим сайин болалик қувончларини соғинаркансан. Наврўз менга доимо болалигимни эслатади.

Нуруллоҳ ДОСТОН,  
Озода БЕКМУРДОВА,  
Абдусалим МАҲМУДОВ  
ёзиб олди.

■ МАЙКЛ БЕРД, БРИТАНИЯ КЕНГАШИНING ЕВРОПА ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ БЎЙИЧА МИНТАҚАВИЙ ДИРЕКТОРИ:

— Кун ва туннинг баҳорий тенгқунлиги санаси — аңбанавий наврўз байрами олдидан Ўзбекистоннинг барча халқини қутлаб, уларга каттадан-катта муваффақиятлар ва фаровонлик тилайман.

■ РИШАРД КАЛИШ, ПОЛЬША РЕСПУБЛИКАСИ СЕЙМИНИНГ АДЛИЯ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА КОМИССИЯСИ РАИСИ:

— Остонада турган баҳор ва уйғониш шодиёнаси, янги йилнинг тимсоли бўлган наврўз байрами билан Ўзбекистон халқини муворакбод этиб, унга бундан ҳам зиёд фаровонлик ва гуллаб-яшнашини тилайман.



